

ОММАВИЙ СПОРТ ТАДБИРЛАРИНИНГ АҲОЛИ ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШДАГИ ЎРНИ

Жаҳонгиров Б.Б

ЎзДЖТСУ, “Спорт хуқуқи, ижтимоий
ва табиий – илмий фанлар”
кафедраси профессори

Бўронов А.Б

ТАҚУ, “Ўзбек тили ва адабиёти”
кафедаси ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада мустақиллик йилларида Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар, қабул қилинган қонун ва қонун ости хуҗжатларининг қабул қилиниши орқали, айниқса оммавий спорт спорт турларини ривожлантириши, мамлакатлар аҳолисини генофондни согломлаштириши. Мамлакатимиз раҳбарининг ташаббуси билан илгари сурилган беши ташаббус доирасида спортни оммалаштириши, айниқса, қишлоқда аёллар ва ва ёшлиарни спортга жалб қилиши, ёшлиар орасида селекцияни амалга ошириши орқали малакали спортчиларни тайёрлаш масалалари ҳақида маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: давлат, қонун, ислоҳот, давлат раҳбари, жисмоний тарбия, оммавий спорт, генофонд, спорт турлари, оммалаштириши, аёллар, ёшлиар, селекция, аҳоли саломатлиги, малакали спортчи.

THE ROLE OF PUBLIC SPORTS EVENTS IN INCREASING THE PHYSICAL CULTURE OF THE POPULATION

Jakhangirov B.B.

UzGUFS, “Sports Law, Social.
and natural sciences”
professor of the department

Buronov A.B.

TUAS, “Uzbek language and literature”
department teacher

ANNOTATION

This article examines the reforms carried out in the field of physical education and sports in Uzbekistan during the years of independence, the development of mass sports, the health of the gene pool of the country's population, through the adoption of adopted laws and regulations. . As part of the five initiatives put forward by the head of our country, information was given on the popularization of sports, especially the involvement of women and rural youth, and the training of qualified athletes through selection among youth.

Key words: state, law, reform, head of state, physical education, mass sports, gene pool, sports, popularization, women, youth, selection, healthcare, qualified athlete.

КИРИШ

Сўнгти йилларда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни жисмоний тарбия ва оммавий спортга кенг жалб қилиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда, ҳеч қачон бўлмаганидек, жамиятнинг жисмоний ва маънавий соғлигини ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш масаласи долзарб бўлиб қолмоқда. Жисмоний тарбия ва спорт энг самарали воситадир ахборотлаштириш ва меҳнатни автоматлаштириш даврида соғлиқни сақлаш. Булар омиллар инсон фаолиятининг пасайишига таъсир қиласи, жисмоний ҳаракацизлик ҳисса қўшади бўғимларнинг сурункали касалликларини ривожланиши, юрак-қон томир ва асад тизим, асабийлашиш ва чарчоқнинг кўриниши, фаолиятнинг умумий пасайиши ва ишлаш қобилияти. Шунинг учун, соғлиқни сақлаш учун, унга қўшилиш жуда муҳимdir сизнинг кундалик ҳаётингиз жисмоний фаолият. Ушбу стратегия сизнинг соғлиғингизга ғамхўрлик қилишни ўз ичига олади атроф -муҳит ҳолати ва ёмон одатларни йўқ қилиш. Жисмоний маданият жамиятнинг умумий маданиятининг бир қисмидир, шунинг учун инсоннинг хатти-ҳаракатига, унинг иш ва ўқишига бўлган муносабатига таъсир қиласи, унинг бошқалар билан муносабатлар. Бу жиҳатдан жисмоний маданият соғлиқ инсоннинг маънавий ва қадрият олами билан яқин алоқада. Бироқ, ҳозирги пайтда мамлакатда жисмоний тарбия ва спорт аҳолининг тахминан 30% билан шуғулланади, бу этарли эмас иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатлардаги кўрсаткичларга нисбатан кўрсаткич, қаерда улар 60% ёки ундан қўпроқга этади. [10]

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Замонавий стратегия доирасида давлатнинг асосий вазифаларидан бири миллатнинг соғлигини яхшилаш - спорт ва соғлиқнинг мавжудлигини таъминлаш тадбирлар ташкил қилиш, жисмоний тарбия олдидан ва спорт

уларга замонавий ёндашувларни жорий қилиш борасида амалга ошираётган ислоҳотлар ва амалий ишлар ҳақида. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Фармонлари, Фарорлари ва Вазирлар махкамасининг Қарорлари ва шу билан бирга Т.С.Усмонходжаев, М.С.Аҳматов, А.М.Ачилов ва Б.Б. Жаҳонгировлар мамлакатимизда спортни оммалаштириш, оммавий тадбирларни ташкил қилиш, ва ўтказиш ҳам хорижий мамлакатлар билан спортни ривожлантириш борасида амалага оширилаётган ишлар ҳақида илмий-тадқиқот ишларидан фойдаланилди.

НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМАЛАР

Республикада охирги йилларда жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, имкониятлари чекланган шахсларнинг жисмоний реабилитацияси учун зарур шарт-шароитлар яратиш ҳамда мамлакатнинг ҳалқаро спорт майдонларида муносиб иштирок этишини таъминлаш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Мамлакатда юксак маданиятга эга бўлган ҳар томонлама етук ҳамда жисмонан соғлом инсонни шакллантириш мақсадида, аҳолининг жисмоний тарбия ва спорт соҳасида малака ва билимларини орттиришга қаратилган устувор йўналишларни белгилаш, иқтидорли спортчиларни танлаб олиш (селекция) жараёнига инновацион шакллар ва усувларни жорий этиш мақсадида, аҳолининг кенг қатламлари, жумладан, умумтаълим мактаби ўқувчилари, профессионал ва олий таълим муассасалари ўқувчи ва талabalari ўртасида жисмоний тарбияни оммалаштириш ва улар орасидан иқтидорлиларини аниқлашда “Умумтаълим мактаб спорти” фестивали, “Жисмоний тайёргарлиги ривожланган муассаса” кўрик-танловини босқичмабосқич (туман-шаҳар, ҳудуд, республика) ўтказиш тизимини ишлаб чиқиши ва жисмоний тайёргарлик даражаси ривожланган энг яхши умумтаълим мактаби, профессионал ва олий таълим муассасаси номинациясини жорий этиш ухун умумтаълим мактабларида оммавий спорт тадбирларини таёrlаш ва ўтказиш максадга мувофик болади.[2]

Дарсдан ташқари спорт-соғломлаштириш ишлари ҳар томонлама жисмоний ва маънавий баркамол шахсни тарбиялашга қаратилган педагогик жараённинг ажралмас қисмига айланади. Бунга оммавий спорт тадбирларини ташкил этиши ва ўтказиш ушбу масалаларни эчишга ёрдам беради.

Жамиятимизда соғлом турмуш тарзини шакиллантириш, аҳолининг, айниқса ёш авлоднинг жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан мунтазам шуғулланиши учун замон талабларига мос шарт-шароитлар яратиш, спорт мусобақалари орқали ёшларда ўз иродаси, кучи ва имкониятларига бўлган ишончни мустаҳкамлаш, мардлик ва ватанпарварлик, она Ватанга садоқат туйғуларини камол топтириш, шунингдек, ёшлар орасидан иқтидорли

спортчиларни саралаб олиш ишларини тизимли ташкиллаштириш ҳамда жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантиришга йўналтирилган кенг кўламлий ишлар амалга оширилмоқда. [4]

Шу билан бирга, мамлакатимизнинг барча худудларида оммавий спортнинг инсон ва оила ҳаётидаги муҳим аҳамияти, унинг жисмоний ва маънавий соғломликнинг асоси эканини тарғиб-ташвиқ қилиш, ҳаётга катта умид билан кириб келаётган ёшларни заарали одатлардан асраш, уларга ўз қобилият ва истедодларини рӯёбга чиқаришлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш, улар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаб олиш ҳамда мақсадли тайёрлаш тизимини такомиллаштириш борасида муҳим ва долзарб вазифалар турибди.

Маҳаллаларда оммавий спорт ўйинлари орқали ёшларни тарбиялаш учун кенг имкониятлар мавжуд. Айниқса ушбу имкониятларнинг ижтимоий психологик жиҳатларини назарда тутган ҳолда маҳалла ёшлари билан иш ташкил этилса, уларни жисмонан бақувват, соғлом, чиникан, Ватан учун пасбон этиб тайёрлаш вазифаси бажарилади. Бу эса биринчи навбатда маҳаллада иш олиб борувчи спорт мураббийси фаолиятига кўп жиҳатдан боғлиқдир. [6]

Маҳалланинг ушбу худудда яшовчи алоҳида турмуши, унинг ижтимоий психологик муҳитга таъсири масаласи хукуматимизнинг доимий диққат марказида турганлиги ижобий ҳолдир. Бинобарин, ушбу ижтимоий инситутнинг барча ижобий хусусиятларидан фойдаланиб, ёшларда оммовий спорт ўйинларига нисбатан қизиқиши ошириш муҳум аҳамият касб этди. Бугунги кунда маҳаллаларда жамоатчилик асосида фаолият кўрсатадиган маҳалла фаоллари: маслаҳатчилар, мураббийлар, психоликлар ва бошқа фаоллар ўзларининг иш услубларини асосан ёшлар жисмоний тарбиясини биринчи ўринда қўйган ҳолда ташкил этишлари зарур. [8]

Мамлакатимизда кенг авж олиб, ривожланиб бораётган ҳомийлик анъянасини кенг тарғиб этиш мақсадга мувофиқ. Саноат ва ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда маҳалла ҳудудида яшовчи шахслар болалар ва ёшлар учун турлий спорт анжомлари, маҳсус кийим-бошлар олиб беришни, спорт майдонларини жиҳозлашни ташкил этишса, мақсадга мувофиқ хайирлий иш бўлади. Ота-Оналар ёшларнинг оммовий спорт ўйинлари билан шуғилланишлари, ушбу фаолиятнинг ёшлар жисмоний соғломлигини ва маънавиятга юксалишида миҳум аҳамиятга эга эканлигини тушунишлари устувор аҳамиятга эгадир. Бу эса мазкур муоммонинг ижтимоий-психологик жиҳатлари марказида туради. [9]

Юқоридаги муаммоларни эчишда маҳалла фаоллари, ўқитувчи ва мураббийлар маҳалла спорт инструктори билан биргаликда миллий спорт

ўйинларининг ижтимоий-психологик хусусиятларини назарда тутган ҳолда маҳалла ёшлари билан иш юритишлари тақазо этилади. Ушбу ижтимоий-психологик жиҳатлар маҳаллада ёшларни миллий спорт ўйинлари воситасида тарбиялашнинг устувор йўналишларини аниқлаб олиш ҳамда маҳаллада жисмоний тарбияни илмий асосланган ҳолда йўлга қўйишида муҳим аҳамият касб этади. [13]

Маҳаллаларда ёшларни оммавий спорт билан шуғулланиш фаолиятини жадал олиб кириш – кун тартибидаги муҳим масалага айланмоқда. Шунга биноан, маҳалла спорт мураббийлари ва ёшлар билан маҳаллаларда миллий спорт турлари ҳамда ҳалқ ўйинларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишлари лозим. Олий ўқув юртларининг жисмоний тарбия йўналиши бўйича маҳаллада оммавий спорт турларини ташкил этиш учун маҳсус маълумотлар берилишини спорт турларидан дарс соатларининг камлигини инобатга олиб, уларни кўпайтиришга эришиш йўлларини излаш. [14]

Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда маҳалла ёшлари ўртасида оммавий спорт турлари бўйича мусобақалар ташкил этиш ҳамда тарғибот ва ташвиқот ишларини мунтазам олиб бориш, бунда фахрий спортчилар, ҳалқаро мусобақалар ғолиблари, жаҳон ба Республика чемпионлари, этакчи спортчилар билан сухбат ва кечалар ташкил этиш. Юқоридаги илмий-услубий ва ташкилий тадбирлар мунтазам, мавжуд талаблар доирасида бажарилса, маҳаллаларда ёшларни оммавий спорт турлари орқали соғлом, жисмонан бақувват, иродали этиб тарбиялашнинг ижтимоий-психологик имкониятлари янада кенгаяди. [3]

Жисмоний тарбиява спорт соҳаси доимий равишида спорт мусобақаларини ташкил қилиш эвазига ривожланиб боради. Спорт мусобақаларининг маълум бир давлат миқёсида ташкил этишилиши шу давлат ҳалқлари ўрасида тотувликни, ўзаро хурматни, бир-бирини қадрлашни ривожлантиради. Бунда оммавий спортнинг ҳам ўзига яраша ўрни бор. Мамлакатимизда мустақилликка эришганимиздан ҳозирги кунгача спорт билан оммавий тарзда шуғулланишни, аҳолининг, айниқса, болалар ва ўсиб келаётган ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил қилишнинг фаол шаклларини таъминловчи амалий тадбирлар босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда. Ўзбекистоннинг давлат сиёсатида мамлакатда жисмоний тарбия ва оммавий спортнинг янада ривожланиши, соғлом авлодни тарбиялаш устувор йўналишга айланди. [12]

Келажагимиз бўлмиш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг соғлом турмуш тарзини ривожлантиришнинг ҳамда оммавий спортни ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бири бу, жисмоний тарбия ва спортдир. Оммавий

спортини ривожланишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Формони, [3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 июндаги Ўзбекистон Республикасида “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3031-сонли Қарори [5], Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, [1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Ўзбекистон Республикасида “Жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5924-сонли Формони [7], Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 3 июндаги “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3031-сонли Қарори ҳамда 2020 йил 30 октябрдаги “Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6099-сонли Фармонлари [20] мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш нафақат болалар ва ўсмирлар, балки бутун халқни оммавий спорт ҳаракатига жалб қила оладиган ўзига хос самарали тизимни шакллантириш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етқазиши ишларининг узвий ва ажралмас қисми деб билди. Аҳолини кунлик юриш ва югуришга тарғиб қилиш мақсадида “Соғлом турмуш тарзи” (www.1hls.uz) платформасини яратиш тўғрисидаги кўрсатмалар берилмоқда. Ўзбекистон худудида бир сутка давомида ўн минг ва ундан ортиқ қадам юрган 18 ва ундан юқори ёшдаги Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг платформадаги электрон ҳамёнига 3 минг сўмдан маблағ бериш ҳам кўзда тутилган.[19]

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, Юртимизда жисмоний тарбия ҳамда спортга давлат сиёсатининг муҳим йўналишлардан бири сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, оммалаштириш ҳамда уни умуммиллий ҳаракатга айлантириш фуқаролар саломатлигини мустаҳкамлаш, ёш авлоднинг жисмоний-интеллектуал ресурсларини ривожлантиришда муҳим омил ҳисобланади.

Жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан мунтазам шуғулланиш ҳамда соғлом турмуш тарзи бўйича ҳаётий кўникмаларни шакллантириш орқали ҳар бир фуқарода касалликка қарши кучли иммун тизими пайдо бўлишини таъминлаш, заарли одатлардан воз кечиши, тўғри овқатланиш тамойилларига амал қилиш, тиклаш ва реабилитация ишлари ҳамда оммавий жисмоний фаоллик

тадбирларини тизимли ва самарали ташкил қилиш, бу борада тегишли инфратузилма ва бошқа зарур шарт-шароитларни яратиш кузда тутилган.

Мамлакатимиз ахолисининг оммавий спорт билан шуғулланиши ва жисмоний саломатлигини ошириш соҳасида бир қатор муаммолар ҳам мавжуд. Масалан:

-бугунги кунда, аҳоли кенг қатламларида инсонларимиз шуғулланиш учин спорт жиҳозлари ва ускуналарнинг этишмаслиги;

-бундан ташқари спорт анжомлари ва инвентарлари билан ўкув муассасалари;

-бу юқори малакали мураббийларнинг этишмаслиги ва таълим муассасаларида мутахассислар кам иш ҳақи билан боғлиқ;

-дунёнинг келажақдаги спортчиларини тарбиялашга имкон берадиган болалар ва ўсмирлар спортининг самарали тизимининг этишмаслиги;

- терма жамоаларнинг спорт захираси паст бўлиб, моддий-техник жиҳозлар этишмаслиги;

- замонавий техникалардан фойдаланиб, спортчига шахсий мотивация берадиган юқори малакали мураббийлар, кадрлар этишмаслиги.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР (REFERENCES)

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожсаатномаси//Халқ сўзи. 2018 йил 28 декабрь.
2. Жаҳонгиров Б. Б. Ўзбекистоннинг Япония билан илмий техникавий алоқалари //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. Special Issue 1. – С. 312-318.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон. Халқ сўзи. 2017 йил 8 февраль.
4. Жаҳонгиров Б. Б. Научно-технические связи Узбекистана с зарубежными странами //Бюллетень науки и практики. – 2020. – Т. 6. – №. 8. – С. 284-288.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 03.06.2017 йилдаги ПҚ-3031-сонли Ўзбекистон Республикасида “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. Халқ сўзи. 2017 йил 3 июнь.
6. Жаҳонгиров Б. Б. Ўзбекистоннинг хорижий давлатлар билан илмий-техникавий ҳамкорлиги (илмий-тадқиқот институтлари мисолида) //Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 5-2. – С. 823-829.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.01.2020-йилдаги ПФ-5924-сонли. Ўзбекистон Республикасида “Жисмоний тарбия ва спортни янада

такомиллаштириши ва оммалаштириши чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони. Халқ сўзи. 2020 йил 25 январь.

8. Жаҳонгиров Б. Б. Ўзбекистоннинг Европа мамлакатлари билан илмий-техникавий алоқалари //Взгляд в прошлое. – 2021. – Т. 4. – №. 2.

9. Жаҳонгиров Б. Б. Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан илмифан соҳасидаги ҳамкорлик алоқалари //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. 2. – С. 986-994.

10. Ачилов А.М. Болалар спортини ривожлантириши жамғармасининг жисмоний тарбия ва согломлаштириши фаoliyatini ташкил қилиши технологияси. Пед.ф.н.илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. Тошкент - 2008.-Б.5.

11. Жаҳонгиров Б. Б. Ўзбекистоннинг Ҳиндистон билан илмий техникавий алоқалари //Academic research in educational sciences. – 2022. – Т. 3. – №. 5. – С. 1058-1065.

12. Jahongirov B. Ўзбекистон ва Туркия муносабатлари //Science and innovation. – 2022. – Т. 1. – №. С8. – С. 211-215.

13. Ахматов М.С. Узлуксиз таълим тизимида оммавий спорт-согламлаштириши ишларини самарали бошқариши. Дарслик. Т.: -2005.

14. Жаҳонгиров Б. Б., Турғунов Т. А. Ўзбекистоннинг Осиё мамлакатлари билан илмий-техникавий алоқалари //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. 5. – С. 1010-1021.

15. Жаҳонгиров Б. Б. Научно-техническое сотрудничество Узбекистана с зарубежными странами //Наука и образование: проблемы и тенденции развития. – 2016. – №. 1. – С. 18-20.

16. Усмонходжаев Т.С. ва бошқа., Болалар ва ўсмирлар спорти машғулотлари назарияси ва услубиятлари. - Т.: ЎзДЖТИ, 2005.

17. Джахангиров Б. Б. Международные связи Узбекистана в области науки // International scientific and practical conference "the time of scientific progress". – 2022. – Т. 1. – №. 3. – С. 15-19.

18. Жаҳонгиров Б. Б., Бўронов А. Б. Ўзбекистоннинг Хитой билан илмий техникавий алоқалари //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. 4. – С. 372-379.

19. Жаҳонгиров Б. Б. Ўзбекистоннинг хорижий давлатлар билан илмий ҳамкорлиги.(1980-1990 йиллар мисолида) //Educational Research in Universal Sciences. – 2023. – Т. 2. – №. 4. – С. 1052-1057.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Соғлом турмуши тарзини кенг татбиқ этиши ва оммавий спортни янада ривожлантириши чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6099-сонли Фармони. Халқ сўзи. 2020 йил 30 октябрь.